



ССЖИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ИНТЕРВЬЮСИ

Виктор БАРАННИКОВ: ИШИМИЗ — ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ

— Бугун ҳаммани бир нарсаси — иттифоқнинг тақдирини ташвишлантирмоқда. Сиз ҳозиргина жумҳуриятлар ички ишлар вазирлари билан кенгаш ўтказдингиз. Нимага келишимиз?

— Бугун кўпчилик ҳаммасини бузишга, сўнгра...

Айрим ССЖИ депутатлари иттифоқ бошқарма идораларини, шу жумладан ИВБни тугатиш тарафдорларидир. Биз ҳамкасб-вазирлар билан буни муҳокама қилиб кўрдик. Фараз қилайлик: ССЖИ ИВБ йўқ. У тақдирда жойлардаги милиция идораларини қурол, ўқ-дорилар, махсус асбоб-анжомлар билан таъминлаш қай тарзда бўлади? Криминал ҳисоб, таҳлил ва олдидан айтиб бериш, имкониятларини жиноятчиликка қарши курашга йўналтириш каби масалалар-чи? Умуман жойларда марказий милиция тизими идорасиз иш яхши кетмайдими.

Бошқа томондан кадрлар сиёсати, йўл ҳаракати, жамоат тартибини сақлаш, ҳукми ижро этиш қабиларда мавжуд муаммоларни ҳар бир жумҳурият батамом ўзи ҳал қила олиши бир овоздан эътироф этилди. Бу борада марказнинг иштироки ортиқча.

— Демак, қўл остигиздаги ҳодимлар сови палларканда?

— Эҳтимол. Бугунга келиб иттифоқ ДАН аппарати ва бошқа айрим бош бошқармалар амалда ҳаракатсиз бўлиб қолди. Бу мазкур бошқармаларда фақат донгасалар ишлайди, деган маънони билдирмайдими. Балки ҳаётнинг ўзи шунга олиб келди. Бошқа хизматларни ҳам санаб ўтиш мумкин. Жиноятчиликка қарши курашиш, оператив-қидирув хизматлари эса аксинча, ҳодимлар ва техника билан мумкин қадар мустақамланиши талаб қилинади. Улар ишини ташкиллаштириши мумкин қадар сифат даражасига кўтариш лозим.

Шундай қилинганда, ДХҚ фаолиятига монанд тизимга — ички душманимиз — жиноятчиликка қарши курашга бўлган тизимга зарурат бўлмайди. Ҳозиргина аввалги ССЖИ ички ишлар вазирлиги тузган тизимни бекор қилиш ҳақидаги буйруққа имзо чекдим. Энди малакали мустақамланиши талаб қилиш масаласида жумҳурият вазирларидан таклифлар кутмоқдамиз. Шу сабаб оммавий ишдан бўшатишлар ҳозирча бўлмайди. Ишларимиз.

— Мамлакат янги ички ишлар вазирлиги ишини нимадан бошлади?

— Шахсий таркибга мурожаатдан. Уларга ССЖИ Пре-

зидент Михаил Горбачёвнинг зўравонлик, бошқа қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари билан шайнига доғ туширмай, охиригача халқ билан қолган ички ишлар идоралари ҳодимларига ва ички қўшни ҳарбий хизматчиларига билдирган миннатдорчилик сўзларини етказдим. Шу билан мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни таъминлаш муаммолари ҳал қилинди, деган ҳаёлга бориш мутлақо потўғри эканлигини таъкидладим. Қийин бўлсада, маҳорат ва билим билан астойдил ишлаш керак. Токи халқда қонун ва ҳақиқат тантана қилишига ишонч туйғусини уйғотайлик. Улар энди тоталитаризмга, бедодлик, жисмоний ва маънавий зўравонлик ҳукм суредиган даврга қайтилмаслигини юракдан ҳис қилсинлар.

Одамлар бугун бизга ишоняптилар, бу ишонччи чип-пакка чиқаришга ҳаққимиз йўқ.


— Кечаги Россия вазирлиги иттифоқ идорасини яна Россия фойдасига ўзгартириб юбормасмикин?

— Огарева — 6 да ишлаб юрганимда ҳам бошқа жумҳуриятлардаги ҳамкасбларим билан алоқани узмаганман. Уларнинг муаммоларини яхши биламан. Россия милицияси бошқа жумҳуриятларнинг ИВБлари билан бир қанча шартнома тузди. Ҳаммаимизни касбий бирдамлик боғлаб туради. Уртамизда бўлишолмай қоладиган ҳеч нарса йўқ. Умуман бу борада фақат Россия фойдасига ҳал бўладиган ўзгариш қилмоқчи эмасман. Милиция сиёсатдан ташқарида бўлиши керак. Ишимиз — жиноятчиликка қарши курашиш.

— ССЖИ ИВБ ҳайъати ФХДҚ (факультетда ҳолат бўйича давлат қўмитаси) тайрижонституциявий қарорларига қарши 22 августдаги нозирлик билдирди...

— Бундай раддияни 19 август кунийк билдириш керак эди. Айб бу ерда ҳайъатда эмас. Гап — ҳар кимнинг тутган ўрнида. Ҳеч қанақа ҳайъатсиз Оқ уйга 40 офицер келди. Россия байроғи билан 10 та танк яқинлашди.

Борис Пуго бутун гуноҳини ўзига олди. Ахир у олий офицерлар, ўйлаб генераллар курсовида эди-ку. Кўпчилик ФХДҚга қарши очик чиқди. Ишоот ва биноларни қамал қилишга йўл бермаган кўплаб командирларнинг кескин ҳаракатлари бунга мисол бўла олади. Ваҳоланки, иккиланганлар ҳам кўп эди... Ҳеч кимни таъқиб этмоқчи эмасман, аммо виждонсизлар билан ишлашни ҳам хоҳламайман.



Милиция лейтенанти Баҳодир Масолдиев 1989 йилда Тошкентдаги ўрта милиция мактабини битиргач Олтинқул тумани ИВБ навбатчилик қисмида иш бошлаган.

Ана шу қисқа фурсат ичида у ўзининг тадбиркор ва иттижонли, ҳушқулқ ва билимли эканлигини исбот этди.

— Милициядан ёрдам сўраб келган киши биринчи навбатда бизга рўбарў келади, — дейди у. — Шу бонс, навбатчилик қисмининг милиция фаолиятининг кўзгуси деб атайман. Бу ерда хизмат қиладиган ҳар бир ходим ўта маданиятли ва мулойим бўлиши керак.

У ўзининг ана шу ҳислати билан нафақат ҳамкасблари, балки фуқаролар ўртасида ҳам катта обрў қозонган.

Сўратқаш Б. КЛЕЙМАН.

ЭСКИ ҲАММОМ—ЭСКИ ТОС

Ўзноманинг ўтган сонларидан бирида «Сарсон-саргардонлик» деган мақолани ўқиб, тўғриси анча-мунча ижобий ўзгаришлардан умидвор бўлгандим.

Чиндан ҳам ўша чиқишда шаҳримиздаги жамоат уловчи ҳаракатидаги, майда кўришсада, муҳим муаммо кўтариб чиқилганди. У ҳам бўлса, трамвай, троллейбус ҳамда автобуслар бекатларга келиб тўхтаганда, ўрта ва орқа эшикларнинг очилмаслиги.

Афсуски, ана шу танқиддан кейин ҳам ҳеч нарса ўзгармади. Аҳвол боғи-боғидай — эски ҳаммом — эски тослигича қолди.

Ўйлаб қарасам, жамоатчилик уловлари мутасаддилари бу ҳақда жиддий бош қотирмас эканлар, барча матбуот воситалари бир неча мартадан ёзганда ҳам бу ҳолни ўзгартириб бўлмайди. Йўловчилар ташниш корхоналари раҳбарлари ихтиёрига берилган енгил хизмат машиналарини тортиб олиб, уларни ҳамма қатори трамвай-троллейбус ҳамда автобусларда юришга мажбур қилмагунларича, улар бу ҳақда жиддий бош қотирмасликларни ҳам аниқ.

Ана шу нуқтан назардан қараганда, шаҳар ИВБ ДАН бўлими билан биргаликда рейд ўтказилсада, мақсадга эришилмаганлигининг сабабларини идрок этса бўлади.

Халқимизда чиқмаган жондан умид, деган нақл бор. Начора, шу нақлга асосан жамоат улови корхоналари раҳбарларига инсоф тилаган кўйи ўз таклифларини изҳор қилмоқчиман.

Агарда ҳар битта улов (у хоҳ электр улови бўлсин, хоҳ оддий) кондуктор (са-

лонда юриб, чипта тарқатувчи) билан таъминланмас экан, шу пайтгача очилмаган ўрта ва орқа эшиклар бундан кейин ҳам очилмайди.

Қолаверса, ўша уловлардаги «Ҳайдовчи назорат қилиш ҳуқуқига эга!» деган ёзувларни умуман олиб ташлаш керак. Алқисса, кўпгина ҳайдовчилар шу кунларда уловни бошқаришни эмас, чипта текширишни асосий касб сифатида ўзлаштирганлар. Бекатларга келиб тўхтагач, оғиздаги сигаретасини бурқситган кўйи ҳаммани — ёшларни ҳам,

АКС-САДО

бурни ерга тегай деб қолган қарияларни ҳам (бу ўта кетган ҳурматсизлик-ку!) олдинги эшикдан тушишга, чипта олмаганларни эса «чойчақа» қолдириб кетишга мажбур қилишди.

Юқориди айтган таклифимни, ўрни келиб қолди, яна бир марта қайтараман: жамоат уловлари кондуктор билан таъминланса, бир қарашда аҳамиятсиз, аслида эса ўткир муаммо ўз ечимига эга бўлади.

Бу ишнинг яна бир яхши томони бор. Қанча-қанча ҳамшаҳарларимиз иш билан таъминланадилар. Бу таклиф ёқмаган ўр-тоқлар шунча кондукторга иш ҳақини қайси йўл билан ва қаердан топиб берамиз, дейишлари турган гап.

Хомани бўлсада, бу борада ҳам ўйлаб қўйганларим бор. Тушунарли бўлиши учун битта мисол келтираман. 8-йўналиш бўйича қатновчи троллейбус йўлида, агар адашмасам, 20 та бекат бор. Агар ҳар бир бекатда чиптасиз уч нафар йўловчи

15 тийиндан — 45 тийин тўлаганда ҳам, манзилгача йўқ деганда 2-3 сўм йиғилади. Ваҳоланки, баъзан 10-15 киши шундай қилади. Кўрпалсизки, ҳайдовчи шу ҳисобига бўлмади деганда бир марта қатнаб, 9-10 сўм ишлаб олапти. Энди унинг бир кунлик «қўшимча даромади»ни ҳисоблаб кўринг (ёмон эмас-а)!

Ана шу «қўшимча даромад» ўша кондукторга маош қилиб берилса бўлмай-дими? Жуда бўладида!

Иккинчи таклиф.

Шу йил 4 июль кунини «Правда» ўзномасида бир мақолага кўзим тушди. Ёзилмишча, Ярославль шаҳрида гаройиб бир усул тажрибада синаб кўрилган. Тўласича нархи беш сўмлик ойлик йўл чиптаси (проездная карточка)га ўтишган. Шундай чиптаси бўлмаса, фуқаролар 15 тийиндан жарима тўлашади. Қарангки, шаҳар аҳолиси юз фоиз шундай чипта сотиб олишни ва жамоат улови-дан фойдаланишни афзал кўришган. Натижада ишлар зўр, йўловчилар ташниш бўйича белгиланган режа ошириб бажариляпти, қолаверса, хизмат маданияти ҳам кўнгилдагидек.

Бу таклифларимни аллақачон Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига билдирганман. Аммо хатимга ҳанузгача жавоб олмаганим йўқ. Майли, уларнинг ишлари бошларидан ошиб ётган бўлса керакда, дея ўзимга тасалли берайман.

Рўёбга чиқиши мумкин бўлган умидим — «Постда» мухлислари ёзганларимга бефарқ қарамасалар керак. Ўз муносабатларини билдиришар. Ўшанда шаҳар ижроия қўмитаси кўплашиб мурожаат қилармиз.

С. БАҚОВЕВ.

ЮРТИМНИ ПОК КҮРИШНИ ИСТАЙМАН

Менинг ёшим 77 да. Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучуғини, иссиқ-сوغунини тоғиб кўрганман. Мен ўзномадаги Д. Сандовнинг фойдалар мавзусида ёзилган мақоласига тамом қўшилиман. Эсимда, ёшлигимда бирор мақаллада ойғи енгил аёл чиқиб қолса, даров элликбошим олдириб келиб, кўпчилик ўр-

тасида шарманда қилиб, нап-такларди.

Ота-буваларимиз бузуқчиликдан ҳонадондан 40 кунгача наҳс, фалокат аримайди, иши асло илгари чопмайди, деб гапирарди.

Бугун пойтахтимиз Тошкентда бузуқчилар кўпайгандан-кўпайган. Қўшмачилар ундан кўп.

Биринки-мингта, дегандей ёш-ёш қиз, жувонларимизни ҳам йўлдан уришмоқда.

Мен кечитирмасдан бундай тен сотувчиларига нисбатан энг қаттиқ чораларни қабул қилиш керак, деб ўйлайман.

Ўзбекистонимизни пок ва ҳаёли кўришни истайман. Носиржон ПОЧЧАБОВ ўғли.

Бола бошидан

БОЛАМИ, БАЛОМИ?

Оҳангарон тумани ИИБда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар таҳлил этилганда уларнинг анча камайгани қайд қилинди. Аммо бу таскин учун асоссиздир. Негаки оғир жиноятлар содир этиш ҳоллари кўпайгани маълум.

Масалан ўтган йилнинг сентябрь ойда 1975 йилда туғилганлар — Камолитдин Абдуллаев, Илҳом Ҳамроқулов ва Радик Набиевлар фуқаро А. Петренкога қароқчиларча ҳужум қилишган. Унинг дуч келган жойига ваҳшийларча пичоқ урганлар. Эндигина 15 ёшга тўлган қотиллар А. Петренконинг ўлганига ишонч ҳосил қилишгач, чўнтақларини кавлаб, бор-йўғини шилиб олишган.

Ваҳшийлик, зўравонлик, фаҳшни тарғиб қилувчи видеофильмни кўравериб, дийдаси қотиб кетган бу йигитчалар қилмишларига заррача пұшаймонлик сезмаганлар.

Еки Вячеслав Волковни олайлик. Туман марказидаги кинотеатр ёнида бекорчиликдан тентираб юриб, йўловчиларга тирғала бошлади. Ғирт маст олифтага танбёҳ ёқмади. Ичкилик оқибатида ўзини идора қилиш қобилиятини буткул йўқотганлиги учун кўйнидан пичоқ чиқариб, уни тартибга чақирган фуқарога ташланди. Кўзига ҳамма ёмон, душман кўринган Вячеславни яна бир кишига ҳамла қилиб келаётганда соқчилик хизмати ходимлари тўхтатиб қолишди.

Балоғат ёшига етмаган Мамаюсуф Қўчқоров, Илҳом Бекмуродов, Алёся Кузнецова, Гулчеҳра Скорнякова, Марсель Ахтариевлар Алёна Лининг уйига тўпланишди. Йиғилса, йиғилибди-да, нима бўлибди дерсиз?

Яхшилик, эзгуликка ақли етмаган болаларнинг Г. Имомовани зўрлаб номусига тегиб, устига-устак таҳқирлашга ақллари етди.

13, 14, 15 яшар болаларнинг бунчалик зулмкор, зўравон, шафқатсизлигига ёқа ушлайсан, холос.

Шу йилнинг апрель ойда 1973 йилда туғилганлар — Сергей Гусельников ва Евгений Васильевлар туман автобекати ёнида жойлашган пиво барида спиртли ичимликлар истеъмол этишади. Маст ҳолатда кўчага чиққач, биринчи дуч келган фуқаро Г. Симоновга тегажоғлик қилишади. Ўсмирлар унинг бада-нига 8 марта пичоқ уришган.

Баҳодир, Ҳайрулла, Ҳусниёр, Шавкат, Фарҳод, Ҳусниддин, Дилмуродлар қоронғу тушди дегунча кўчага югуришади. Кўрган видеолари, танишган қизлари, ўрганган қилиқлари, эшитган гаплари ҳақида бири олиб, бири қўйиб гурунглашади. Ўтган-кетганларни ҳам назардан қочиришмайди. Уларни болохонадор сўқиниш, бачкана ҳуқуқ, асабга тегдиган ҳаракатлар билан «сыйлашиб» юборишади.

Бу галгиси эса бошқачароқ бўлди. Фуқаро И. Юнусалиевни ўласи қилиб калтаклаб, 250 сўмини тортиб олишди.

Мазкур кичик қонунбузарларнинг ота-онаси йўқмикан? Бор. Бироқ улар «Фарзандларимиз тарбияси билан энди шуғулланамиз. Бир сафар кечиринг. Ҳар қадамига кўз-қулоқ бўлиб турамиз. Кўзимиз кеч очилди», — деб кўз ёши тўкишмоқда.

Уларга ишониб бўлармикан?

Нур БАДИА.

ЁШЛАР МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Фарғона вилояти ИИБда вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди.

Унда вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосарлари милиция подполковниги Ф. Зокиров, ички хизмат подполковниги В. Смейн, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи милиция подполковниги Қ. Ёқубов ҳамда шаҳар, туман ИИБларининг бошлиқ ўринбосарлари, балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўлими бошлиқлари иштирок этдилар.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари И. Мирсоатов ҳузурида ўтган бу йиғилишда милиция катта лейтенанти Р. Саидовнинг вилоят миқёсида вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимининг 9 ойлик иш фаолиятига доир ахбороти тинланди.

Қирғули, Бағдод, Ёзёвон, Фарғона, Риштон туманларида, Қувасой шаҳрида ўсмирлар томонидан содир этилаётган жи-

ноятнинг кўпайганлиги қайд этилди.

Қирғули тумани ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Н. Одилов, Ёзёвон тумани ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Н. Мирзаевлар сўзга чиқиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, уларни йўқотиш чоралари ҳақида гапирдилар.

Вилоят ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б. Ҳолиқов жойларда бу борадаги олиб борилаётган ишларнинг саёзлиги, талабга жавоб бермаслигини алоҳида таъкидлади.

Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари И. Мирсоатов йиғилишни ёпар экан, ўсмирлар ўртасидаги қонунбузарликни камайтириш, инспекция фаолиятини кучайтириш, янги усул ва йўللار излаб топиш, жамоатчиликка суянган ҳолда умумий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлигини ўқтирди.

А. ҒАНИЕВ,
милиция майори.



Вилоятимизда шу йилнинг 8 ойда 182 та балоғат ёшига етмаганлар томонидан жиноят содир этилди. Бунда 250 га яқин ўсмир иштирок этганлиги аниқланди. Шулардан 91 таси жиний жавобгарликка тортилиб, 153 таси жамоатчилик ихтиёрига юборилди.

Содир этилаётган жиноятларни келиб чиқиш сабаблари таҳлил этилганда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, очкўзлик каби иллатлар ҳукм сурган онларда тарбия топганларда жиноятчиликка мойиллик борлиги сезилади. Оилада шундай носоғлом муҳит мавжуд экан, мураббийлар жамоаси бундай болаларга наҳотки таъсир ўтказолмайди, дерсиз.

Келинг, таълим-тарбия ўчоғи ҳисобланмиш мактаб ҳаётига ҳам назар ташлаб кўрайлик.

Маълумки, бола ҳамма нарсага қизиқувчан бўлади. Айниқса, ўқитувчининг шахсий намунаси бола тарбиясида муҳим ўрин тутди. Кўлаб ёш авлоднинг тарбиялаш борасида ўз кучи ва билимини аямаётган ўқитувчилар орасида мураббий деган юксак номга доғ тушираётганларни учраб туриши эса кечириб бўлмас ҳолдир.

МУАЛЛИМЛАР «ИБРАТИ»

Йил бошидан бери вилоятимизнинг 70 дан ортиқ мактаб ўқитувчилари маст ҳолда автотранспорт воситаларини бошқарганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Тўрт ўқитувчига нисбатан эса бир йил давомида бир неча марта шу ҳолни такрорлашгани учун жиний иш қўзғатилди. Улар Балиқчи туманидаги 40-ўрта мактаб директор ўринбосари М. Назаров, Бўз тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Ж. Бувашев, Марҳамат тумани халқ таълими бўлими ходими А. Йўлдошев, Хўжабод туманидаги махсус мактаб-интернат хизматчиси Р. Соттиевлардир.

Шу йилнинг ўтган даврида халқ маорифи ходимлари томонидан 1300 дан ортиқ йўл ҳаракати қондаларини бузиш ҳоллари аниқланди. Январь—август ойларида мураббийлар томонидан 12 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди, натижада 1 киши ҳалок бўлди, 12 киши

турли даражада тан жароҳати олди.

Бундан ташқари баъзи ўқитувчилар томонидан ашаддий безорилик, ўғирлик, босқинчилик каби жиноятлар содир қилиш ҳолларининг учраб туриши ҳаммамизни бугунги кунда қуқур ўйлантириб қўймоқда.

Шу йил 25 март кунини Олтинкўл тумани марказидаги «Роҳат» кафесида 31-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Аҳмедов маст ҳолда шу ерда дам олаётган 76 ёшли А. Жумабоевни дўппослаб, унга тан жароҳати етказган. Андижон шаҳридаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси С. Алиева эса шу мактабнинг 3-синф ўқувчиси Б. Зокировага куч ишлатиб таълим беришни афзал кўрди. Ана шу янги «тарбия» натижасида ўқувчи тан жароҳати олди.

29 март кунини бир гуруҳ номаълум шахслар Олтинкўл туманида истиқомат қилувчи У. Ёқубов хонадонидан 3 бош қўйини ўғирлаб кетганлар. Олиб борил-

Жуда ҳам оғирдир тарбия тоши.

Бўйла, қалб яланғоч муз қотмиш қорда.

Уни иситмаса юрак оташи.

Гуллар гулламайди бундай баҳорда!

Абдулла ТУРДИЕВ.

ЎҒИРЛИККА РАҒБАТ

Вояга етмаган Йўлдош, Александр ва Алексейлар ҳар кунини қоронғу тушиши билан йиғилишадиган қилиқ чиқаришган. Гоҳо биргаликда видео кўришади. Баъзан бир-бирига томоша қилган кинолари, эшитган воқеалари, қўйингчи, керак-но керак ҳамма нарсалар ҳақида гапиршади. Ҳар ким нимаси биландир мақтангиси, баланд тургиси келади.

Ахлоқ ва одоб кўчасидан адашган бу ўсмирлар тун ярмигача шу алфозда тентираб юрдилар. Ниҳоят Олмалик шаҳридаги 47-дўконча ёнида тўхташди. Эшик қулфини бузиш, уч қўти «Тархун» ичимлигини ўмаришди. Озгина юриб, шисаларни оча бошлашди. Бироқ соқчи-ходимларнинг зийраклиги туфайли «беозор» безорилар қўлга олинди.

Еки балоғат ёшига етмаган А. Ижбулатов, Н. Романов, Р. Лягайлоларга нима этишмайди. Усти бут, қорни тўқ бўлса, Р. Лягайлоку эндигина 14 ёшга кирган. Бироқ тўқликка шўхлик, деганларидай, уч ўсмир аввал шаҳардаги «Наврўз» кафесида ошпазга тегишли 631 сўмлик буюмларни ўмаришди. Кейин эса 34-дўкондан 1034 сўмлик давлат мулкани ўғирлашди.

Олмалик шаҳар ИИБ ходимлари болаларнинг мазкур жиноятига атрофлича ёндашиб, яна бир шахсни жавобгарликка тортишни лозим топди.

У ўсмирлардан ўғирлик молларни сўраб-суриштирмай сотиб олган, кейинчалик ўзгага пуллаган ва бу ҳаракати билан уларнинг қилмишини рағбатлантирган, 1962 йилда туғилган Бухоро вилоятининг Мурунтовида яшовчи Л. Шайхутдиновдир.

Турсуной МИНАВВАР қизи.

ган қидирув ишлари натижасида 11 май кунини жиноятчи гуруҳ қўлга олинди. Улар орасида Балиқчи туманидаги 32-мактаб ўқитувчиси И. Холиқов бўлганлиги ачинарлидир. Тергов давомида бу гуруҳ томонидан Балиқчи ва Олтинкўл туманлари ҳудудида 14 марта ўғирлик содир этилганлиги аниқланди.

Шу йил 2 август кунини тунда Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи А. Назарбоева хонадонига бир номаълум аёл ва уч эркак бостириб кириб, пичоқ ўқталган ҳолда уйдаги қимматбаҳо тақинчоқларни олиб, «Таврия» рангли телевизорни пачоқлаб кетганлар. Милиция ходимлари жиноятчи гуруҳ орасида Марҳамат туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Сотқинбоева борлигини аниқлади. Ҳозирда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, булар онда-сонда учраб турадиган ҳодисалар. Бундай «ўқитувчи»ларга тарбия масканларида жой бўлмаслиги керак.

Мухторжон ҚОДИРОВ,
Андижон вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи милиция подполковниги.

Шу йил 22 июль кунин Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлимига чамаси ўттиз ёшлардаги бир аёл боғчага қатнайди. Кизалоғини етаклаганича кириб келди.

— Менга ёрдам беринглари, — деди у ва нотинч, безовта юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан фарёдни яширолмади. Елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаб юборди. — Мана, уч кундирки, хўжайиним дом-дараксиз. Кўпчилик милиция ходимларини совуққонликда, яна ҳам аниқроғи бағритошликда айблади. Бўлса бордир. Эҳтимол кўй оғзидан чўп олмаган кўнгилчан йигит ҳам бу соҳада бир неча йил ишлагач, дийдаси қотиб кетар.

Лекин бу сафар ана шу воқеага гувоҳ бўлган милиция ходимлари эсанкираб қолдилар, тўғрироғи муз қотдилар. Ҳаммасидан ҳам кизалоғининг «Отамни топиб беринглари!» — деяётгандек жовдираб турган кўзларига боқиш қийин эди.

— Аввал ҳам у баъзан уйга келмай қолармиди? — сўрашди аёлдан.

— Йўқ, сира бунақа бўлмаган. Кизалоғини жонидан ортиқ кўрарди. Иш тугади дегунча, қуритми, хўрозқандми — кўтариб, уйга юғурарди. Болам бечора ҳам кечалари ухламай ҳархаша қилиб чиқаяпти...

— Эҳтимол ишхонасидагилар...

— Уларнинг ҳам хабари бор. Излашди — топишолмади.

— Бирор кишидан гумонингиз борми?

— Қайдам... — деди аёл ҳиқиллаб.

— Майли, ўзингизни қўлга олинг, синглим, уни албатта топамиз...

★ ★ ★

Мана, шу воқеага ҳам икки ойдан кўпроқ бўлди. Бу воқеа атрофидаги миш-мишлар кўпчиликнинг қўлоғига бориб етди.

Хўш, аслида нима бўлди? Аёлининг эри топилди-йўқми?

Бу саволлар албатта, рўзнонамиз ихлосмандларини ҳам қизиқтирмасдан қолмайди. Шу боис, Тошкент вилояти прокуратураси бош терговчиси, адлия кичик маслаҳатчиси Уктам ака Муҳаммаджоновга мурожаат қилдим.

— Бу борада анча-мунча нарсалар аниқланди, — деди Уктам ака. — Минг афсуски, аёлининг эри ваҳшийна тарзда қийнаб ўлдирилган экан. Тергов ишлари олиб бориляпти. Шунинг учун, сиздан ва ўқувчилардан кеңирим сўрайман, ҳозирча бирор маълумот бера олмаيمان. Яхшиси кейинроқ, иш бир ёқли бўлгандан кейин суҳбатлашганимиз маъқул.

Айрим кишилар журналистларни ҳатто сурбет деб аташди. Эшик беркилса, тешикдан кириб келишди, қизиққан нарсасини билиб олмегунча тинчимайди, дейишди. Тан оламан: бу гапда жон бор.

Бу гал ҳам осонликча «таслим» бўлгим келмади. У кишига таҳририятимизга кўп мухлисларимиз мактуб орқали, ҳатто сим қоқиб, ўша масала тақдири билан қизиқётганларини айтдим. Орада жиноят ишига заррача алоқаси бўлган шахсларнинг исм-шарифини ўзгартириб ёзсак, тергов ҳаракатлариға ҳалақит бермаслигимизни ҳам қистириб ўтдим.

— Яхши, кўндирдингиз мени, — деди Уктам ака. — Ундай бўлса, жабрланувчиларнинг, гумондорларнинг, гувоҳларнинг исм-шарифларини, ҳатто уларнинг манзилгоҳларини ҳам сир тутамиз.

★ ★ ★

...Одатдагидек, 19 июль кунин эртаб Қодир Турғунов (мархумини



ЕКИ ВАҲШИЙЛИКНИНГ ЭНГ СЎНГГИ ДАРАЖАСИ ҲАҚИДА


шартли равишда шундай деб атаймиз) оила аъзолари даврасида ўтириб нонушта қилди.

Кейин ёнида бижиллаб турган кизчасининг юзидан ўпиб хайрлашди.

— Яхши бориб келинг ишингизга, дадажон! — деди эркатойи.

— Бугун кун жума, иложи бўлса, эртароқ қайтарсиз, — деди аёли.

Аммо улар шу дамда хонадонларининг чироғи, ўзларининг суянган тоғи бўлмиш «дадажон»ларини энг сўнгги марта кўриб турганларини билишмасди. Бу уларнинг етти ухлаб тушлариға ҳам кирмаганди. Агар билишганда эди!..



Хуллас, кечкурун узоқ куттишди. Ҳатто «дадажон» билан ачомлашиб» ётишга ўрганган кизча ҳам ҳадаганда ухламади. «Тик» этса эшикка қарашарди. Соат миллари эса ҳаракатда, чиқиллаб дақиқаларни, соатларни ортада қолдираверди.

— Дадам келмаяптиларку, ойи!

— Ҳадемай келиб қоладилар, ҳозир йўлда келяптилар, кизим!

Она шундай деб кизига, «Бирортасининг туғилган кунини нишонлаб қолишгандирда», — дея ўзига тасалли берарди.

Ниҳоят, қизи уйкуга кетди. Уни кўтариб, кароватчасига ётқизиб қўйди. Ўзи эса иягига қўлини тираган кўйи куттишда давом этди. Ётиб-ётолмади, ухлаб-ухлолмади. Шу алфозда тонг оттирди.

Эртаси кунин сахар-мардонлаб эрининг ишхонасига — қурилиш ташкилотига югурди. У ердагилардан ҳам тумтароқ жавоб олди.

— Қодир кеча ишдан кейин уйига кетган эди, нима, бормадими?

Қодирнинг энг яқин ўртоқлари, цех бошлиғи биргаликда ўзларича қидириб кўришди — фойдаси бўлмади. Орада икки-уч кун ўтиб кетди. Кейин бу иш билан милиция ҳам шуғуллана бошлади.

Энг аввало мархум шаҳар ўрам-

ларидан бирида истиқомат қилувчи Валентина Иванова билан анчадан бери «дон олишиб» юриши аниқланди. Бу нарса билан жиддийроқ шуғулланишга тўғри келди. Ҳақиқатдан ҳам 19 июль кунин Қодир Турғунов Валентина яшайдиган хонадонга келганлигини кўни-қўшнилар тасдиқлашди.

Аммо Валентина ҳам, унинг эри Виктор Иванов ҳам бир гапда туриб олишди.

— Тўғри, ўша кунин кеч соат 7 ларда у бизникига кириб келди, — дейишди улар. — Едик-ичдик. Кейин ўртада жанжал кўтарилди. Турғунов жаҳл билан хонадонимизни тарк этди.

— Демак, уни кейин бошқа кўрмадиларингизми?

— Нега энди? Эртаси кунин кайфи таркагандан кейин яна келди. Тушгача бирга ўтирдик. Кейин уйига жўнади.

Бу кўрсатмалар мантиққа мутлақо зид эди. Чунки мархумнинг хотини билан «дон олишиб» юришини Виктор ҳам билади. Ҳатто ўртада жанжал ҳам бўлган. Эртаси кунин эса гуёки ярашиб олишган. Аммо ўшандан бери у сууга тушган тошдек дом-дараксиз.

Шу ерда бир оз чекиниш қилайликда, ўқувчиларни Ивановлар оиласининг турмуш тарзидан огоҳ этайлик. Шундай қилсак, жиноятнинг очилиш тафсилотини ўзлаштириш энгилроқ кўчади.

Бу оила қачонлардир аҳил-иноқ ҳаёт кечирган бўлса бордир. Лекин аллақачон у пайтлар ўтиб кетган. Эндиликда уларнинг турмушлари сув юзасидаги пўкакдай қалқиб қолганди. Қачонлардир бу оила таназзулга юз тутиши аниқ. Аммо бу на эрнин, на хотинни ташвишга соларди.

Хўш, сабаб нима? Айбни ичкиликдан қидирган маъқул. Ана шу захри қотилга ошуфталик уларнинг ўртасида тобора қовжираб бораётган севги дарахтининг илдизини қурт бўлиб кемира бошлаганди. Севги дарахти қуриётган жойдан эса фақат нафрат ва хиёнат чағиртиканаклари ўсиб чиқиши табиий. Шундай бўлди ҳам.

Валентина вақтини хуш ўтказиш учунми, ёки «қадрига етмаётган» эридан пинҳона қасд олиш мақсадиди, бу бизга қоронғу, Қодир билан топишди. Уларнинг ўртасидаги муносабат аввал пинҳона бўлган бўлса, кейинчалик ошқора тус олди. Эри тўполон кўтарганида эса:

— Упкангни бос, бир оғиз айтсам, Қодир адабингни бериб қўяди! — деб пўписи қиладиган бўлди.

Раҳмон АЛИ.

[Давоми келгуси сонда].

Аёл қўлида пичоқ

Елена ва Алиқларни кўни-қўшнилар эр-хотин сифатида билишди. Аммо уларнинг ўртасидаги ёстиқдошлик муносабати ниқоҳ билан мустаҳкамланмаганлиги ҳаммага ҳам аён эмас.

Эҳтимол уларни бир хил қизиқиш, яъни тошган-тутганига тўйиб ичиш иштиғи бирлаштиргандир.

Ҳар ҳолда қолган нарсалар аҳамиятсиз. Эҳтимол у нарсалар алақачон (эҳтимол илк бор жиноятга қўл урган жойларида) қолиб кетгандир. Ҳозир эса ор-номуслари ҳам, фарзандлари ҳам, эрмак-мақсадлари ҳам шу — ароқ.

Уни ютиб олишгач эса жамини ҳақоратларни бир-бирларига «совға» қилишди, камситиш, таҳқир деганлари ҳар иккисининг бошига дўлдек ёғилади. Юзларига қора чаплаб, разолат ботқоғига ағанашидан истиҳола қилишмайди.

Ўша кунин ҳам тўйиб ичинган эди. Ичкилик бор жойда жанжал бўлиши табиий ҳол. Унинг давоми эса кўпинча жиноят билан аяқланади.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мастлиқнинг зўридан юзлари бўғриқиб, сочлари тўзғиган Елена стол устидаги пичоқни ғазаб ўтида титраб-қақшаб қўлига олди.

Алик эса қалтираётган қўлларининг кучига муносиб баҳо беролмади.

— Қўй, Ле-е-на, ҳа-зил-л-лаш-ма!.. Барибир ур-ролмайса-и!

Аммо унинг оғзидаги-оғзида, бўғзидаги-бўғзида қолди. Бадбўйга тўлиб кетган хонада ширакайф эрининг қизил қони оқа бошлади. Кўзлари ола-кула бўлганча гурсиллаб йиқилди.

Елена эса кўзлари сузилиб, Алиқни қидирди. Ногоҳ оёқлари томон ўрмалаб келаётган қонни кўриб, кайфи учди. Нафаси томоғига тегилиб, қўшиникига югурди.

«Тез ёрдам» машинаси Алиқни шифохонага, милиция машинаси эса Еленани ИИБга олиб кетди.

Бир марта қамалиб кўзи очилмаган аёл Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов тумани халқ суди ҳукми билан тўрт йилга озодликдан маҳрум этилди.

М. ИБРОҲИМОВА.

Учинчи нопок ҚАДАМ

Владимир ҳамон бўйдоқ. Ўттиздан ошиб қолди. Нима қилсин жиноятчиликдан ортиб, уйланишга вақт тополмаса. Энди чиқдим дегунча яна бир ишқал чиқаради. Икки марта қамалибди-я! Буниси учинчиси.

...Йўлакда турган йигитлар сигарета сўрашди. Бекорчиликдан қўли чиқишиб юрган Владимир кўрс жавоб берди. Уларнинг ҳамиятига дарз кетиб, муштлари ишга тушди.

Владимир югуриб хонасига чиқди-ю пичоқни қўлига олиб пастга зинғиллади. Биринчи бўлиб юзига мушт туширган И. Зокировнинг кўкраги ва қорнига пичоқ урди. Йигитлар ўзларини ўнглаб номардни қидирганларида, у аллақачон ғойиб бўлганди.

Рақибини пичоқлаб ғазабидан тушган Владимирнинг жуда-жуда ичиб, кўнгил ёзгиси келди.

Шу мақсадда фуқаро А. Кравченконинг хонадонига борди. Уй соҳиби йўқ экан. Эшикни бузиб ичкарига кирди. «Фотон-514» рангли телевизорни кўтариб, жазмани Бурхонова яшайдиган Тошкент шаҳар Чилонзор даҳасига йўл олди.

В. Пугачев ҳар икки жинояти учун 4 йилга озодликдан мосуво этилди.

М. ИСРОИЛОВА.

ҒИЛДИРАКФУРУШ

Ҳозирги пайтда ноёб бўлмаган нарсанинг ўзи қолмади. Лекин бу ноёб буюмларнинг орасида яна шундай борки, у анқонинг уруғига ўхшайди. Бу автомашиналар учун зарурий эҳтиёт қисмлардир. Виронга жойин латеган машинанинг ишдан чиққан қисминини алмаштирмай кўрингчи, у жойидан қўзғалармикин. «Тойчоғи» жойидан қўзғалмай, бекорга жой эгаллаб турганидан жони ҳиқилдоғига келганларнинг эса сон-саногой йўқ.

Мавлон Раҳимов мана шундай қийин пайтда ноёб нарсаларни топиб бериб, ҳожат чиқаришга аҳд қилибди. У Воёвут туманидаги А.

Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган автомашиналар ғилдирагини таъмирлаш пунктида ишлайди. Кейинги кунларда нимагадир осонроқ йўл билан даромад топишни ўйлаб қолди. Аслидаку унинг ишлари шундоқ ҳам юришиб турганди. Бироқ дўшнини ерга қўйиб, танасига ўйлаб кўрса бировнинг қилаётган юмуши билан ўзгаларнинг заррача ҳам иши бўлмапти. Шундай экан, фойдаланиб қолиш керакда.

У шундай ўйлар билан Комсомол туманидаги енгил автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш корхонасига борди. У ердаги танишлари

билан келишиб, тўртта автомашина ғилдирагини олиб келди. Ана энди ўйлаган ниятига етгандай бўлди. Айниқса, «ВАЗ-2108» белгилли «Жигули» автомашинаси эгалари бу нарсаларни кўрса борми, нархини ҳам суринтирмай ёпишиб олиши аниқ.

Лекин ҳаммаси Раҳимов ўйлагандай бўлиб чиқмади. Харидорга иккита ғилдиракнинг ҳар бир донасини 700 сўмдан пуллаётганда қўлга тушди. У кейинги икки дона ғилдиракни ҳам пуллаб, жаъми 1936 сўм нақд «даромад»ни киссасига урмоқчи эди. Афсуски, сув тескарига оқди.

С. СУЛАЙМОНОВ.

ХИЁНАТНИНГ УМРИ ҚИСКА

Гулистонлик И. Пенкин «Чашма»ни арзонлиги учун ҳам яхши кўрарди. Ўша савил шу йилнинг апрель ойига келиб 2 сўму 40 тийин бўлди.

Февраль ойида икки ишша «Чашма» сотиб олган И. Пенкин сотувчи томонидан 1 сўму 20 тийинга алданди.

Харидорнинг бахтига БХСС ходимлари шу ерда экан. Дарров ҳисоб-ки-тобни қайта кўриб чиқишди.

Савдо қондаларини қўпол равишда бузган сотувчи Людмила Шин 400 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

М. ҲАКИМОВ.

АКС-САДО

БУ НИМА—ТАРАФКАШЛИКИ?

Рўзнома-мухлисларига тушунарли бўлиши учун эслатиб қўяй: шу йил 31 август кунин «Масхарабозлик» деб номланган кичик бир луқмам эълон қилинганди.

Унда мен жумҳурият ойна-жаҳонининг «Чархпалак» ёки «Бахтингда кўри!» деган кўрсатуви ҳақида шахсий мулоҳазаларимни баён этгандим.

«Постда» рўзномасининг 3 октябрь кунги сониде эса бухоролик ҳамкасбларимнинг «Санъаткорга муносабат шуми!» сарлавҳали мақоласини ўқидим. Ўқиб чиқдим у асосатда қолдим. Наҳотки ўша фикрларим нотўғри бўлса (бухоролик ҳамкасбларим айтганларидек) деген нистеҳола бир неча кун оромимни ўғирлади. Кенгаши тўй тарқамас, деганларидек, ўзимни қийнаётган ана шу ўйларимни икки-уч нафар дилтортар кишилар билан ўртоқлашдим. Қарангки, улар ҳам менинг ёзганларим тўғрилигини эътироф этишди.

Шундан кейин шайнингга бир мунча ҳурматсизлик билдирилган ўша мақола муаллифларига қатъий муносабатимни етказиш зарурлигини ҳис қилдим.

Улар мени худбинликда, «...давр тақозоси билан етишиб чиққан ноёб қобилият эгаси» — Соат Шариповга «тош отган»ликда айблаган.

Шу ўринда айтиб қўяй: менинг бу санъаткорда ҳеч қандай ғаразим, адоватим йўқ. У билан менинг касбим ҳам, турмуш тарзимиз ҳам бутунлай бошқа-бошқа. У билан талашиб-тортишадиган ҳеч нарса кўрмайман ўртаимизда. Шунинг учун мақола муаллифларининг менга ёпиштирмоқчи бўлган айблари мутлақо асоссиз.

Мақола давомиде: «... Ахир, санъаткорнинг кадр-қиммати, обрўси унинг бир-икки соатлик кўрсатувидаги ижросига қараб белгиланмайдику!...» деб ёзишган. Назаримда улар шу ерда Соат Шарипов уқувсизлигини тан олишяпти. Аммо айни пайтда буни ҳаспўшлашмоқчига ўқийди.

Бу гапга мутлақо қаршиман. Ҳақиқий санъаткорнинг кадр-қиммати унинг умри бўйи қилган хизмати билан ҳам, «бир-икки соатлик ижроси» билан ҳам ўлчанади ва шундай бўлиши шарт. Негаки бу кўрсатуви Узбекистоннинг ўзида миллионлаб томошбин кўрган! Ҳурматли «санъат димоячилари!» Қани менга айтингки, инсонда, аусусан санъаткорда масъулият, жавобгарлик, қилаётган ишининг яхши ёки ёмонлигини таҳлил қилиш ва шунга ўхшаш фазилатлар бўлиши керакми-ўқим?

Баҳсимизга сабаб бўлган кўрсатуви 8 октябрь кунин ҳам томоша қилдим. Ҳазаб ёки адоватдан эмас, фикрларимнинг ҳоли ва тўғрилигини яна бир бор синаб кўриш учун. Бу сафар ҳам аввалгисига ўхшаш ғалтиликлар асабга тагди.

Мулоҳазаларим хотимасида яна «Масхарабозлик» луқмасига билдирилган «Акс-садо»га қайтсам. Менимча, бу чумчуққа тўпдан ўн-ўнандек иш бўлган. Негаки улар ҳақиқатдан ҳам жонкуяр кишилар сифатида луқмамни ўқиб ранжиган бўлишганида, тахририятга алоҳида-алоҳида мактуб йўллашарди. Назаримда «Санъаткорга муносабат шуми!» мақоласининг муаллифи битта одам, қолганлар эса... имзо чекишган.

Раҳмонали ТУРСУНАЛИЕВ,
милиция майори.



Яқин орада Наманган вилоятида футбол бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтади. Бу ҳақда рўзномаимизнинг аввалги сонларида хабар бергандик.

Ўтган ойнинг 27—28 кунлари эса Фарғонада спортнинг яна бир ажойиб тури — волейбол бўйича ИИБлараро вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

Қизиқарли беллашувларнинг якуний ҳи-

собига кўра Бағдод тумани ИИБ ходимлари голиблик шохсупасининг энг тепасига кўтарилдилар. Қолган юқори поғоналарни Охунбобоев, Марғилон ҳамда Қува туманлари ИИБ вакиллари банд этдилар. Голибларга махсус совғалар топширилди.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

Суратни Иброҳимжон ЮСУНОВ олган.

Бошимизга оғир жудолик тушди.

Шу йил 9 октябрь кунин ҳалқ оёйишталлиги йўлидаги толамс курашчи, дўстимиз ва себиқ ҳамкасбимиз ички хизмат полковниги Ориф Ҳекимович Фезилов вафот этди.

У 1935 йилда Бағдод туманида таваллуд топганди.

Милиция сафларига келиб қўшилгандан кейин ички ишлар хизматининг турли жабҳаларида ўз билим ва маҳоратини синаб кўрди. Серташвиш ва таҳликали касбда доимо бошқаларга ўрнак бўлди.

Айрилиқ

Бора-бора вазирлик раҳбарлари бу кишининг иқтидоридан энг оғир участкаларда фойдаландилар. 1976-1980 йилларда Бухоро вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, кейин эса Фарғона вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Истеъфого чиққунга қадар, яъни 1984 йилгача шу лавозимда ишлади. Фақатгина иш-

лади эмас, балки вилоятда жиноятчилик ва қонунбузарликларга қарши курашувчиларнинг олдинги сафларида турди.

Кексалик гаштини сураётган пайтларида ҳам қимматли маслаҳатлари билан мунтазам равишда бизга ёрдам бериб турар, бой тажрибалари юзлаб шогирдлари учун ҳаёт мактаби бўлиб қолганди. Ана шундай инсон бугун ораимизда йўқ. Аммо унинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИИБ ХОДИМЛАРИ.

«Постда» — СИЗ ИСТАГАН РЎЗНОМА!

АГАР —

ҲУҚУҚИЯ МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖЛИК СЕЗСАНГИЗ,

ЯНГИ ҚОНУН ШАРҲЛАРИ БИЛАЙ ТАН ИШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,

ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИР ЭГАЛАРИ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,

ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИ ҚУРБОНЛАРИ ҲАҚИДА БИЛМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,

ЖИНОЯТЧИЛИК БИЛАЙ КУРАШ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР БУЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ,

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ

ЭШИТИЛИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ,

АДОЛАТСИЗЛИКДАН НАЖОТ ИСТАСАНГИЗ,

СИРА АДАШМАСДАН «ПОСТДА»ГА ОБУНА БУЛИНГ.

У БУ ЙИЛ НАРХИ ОШМАГАН ЯГОНА РЎЗНОМАДИР.

ОБУНА БАҲОСИ — БИР ЙИЛГА 15 СЎМ 60 ТИЙИН, ЯРИМ ЙИЛГА 7 СЎМ 80 ТИЙИН, УЧ ОЙГА 3 СЎМ 90 ТИЙИН.

ОБУНА РАҚАМИ (ИНДЕКСИ) — 64615.

КЕЛГУСИ ЙИЛИ РЎЗНОМАНИНГ СӨТЎВДАГИ НАРХИ ОШИШИ МУМКИН. ОБУНА НАРХИ ЭСА УЗГАРМАЙДИ.



Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли басмаҳонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26399 нусхада чоп этилди.